

*X.Kosimova, lecturer,
G.Karimova, lecturer,
Fergana state university,
Uzbekistan, Fergana city*

*X.Қосимова, ўқитувчи,
Г.Каримова, ўқитувчи,
Фарғона давлат университети,
Ўзбекистон, Фарғона шаҳри*

SPIRITUALITY AND NATIONAL EDUCATION

Annotation: The article describes the essence of the concepts of spirituality and national education. The interrelationship between spirituality and national upbringing has also been explored.

Keywords: value, spirituality, upbringing, society, ethics, culture.

МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ

Аннотация: Мақолада маънавият ва миллий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Шунингдек, маънавият ва миллий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: қадрият, маънавият, тарбия, жамият, ахлоқ, маданият.

Бугунги глобаллашув ва тезкор тараққиёт шароитидаги жаҳон ва мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, бугунги куннинг сиёсий воқелиги ҳамда кундалик турмуш эҳтиёжлари жамоатчиликнинг тарихга бўлган қизиқишини пасайтирмади, аксинча, уни янада чуқурроқ идрок этишга олиб келди. Бу қонуний жараёндир, чунки янги ўзгаришлар даври ўтмишни юзаки ўрганиш билан чеклана олмайди ва ҳар бир халқдан ўз тарихини қадрият сифатида қайта баҳолашни, барча даврлар ҳамда жараёнларни ҳар томонлама чуқур англашни талаб қилади.

Республикамиз тараққийетининг ҳозирги босқичи жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб сифат ўзгаришлари амалга оширилаётганлиги билан характерланади. Табиийки, бу улкан вазифани ҳал этиш фуқароларнинг ижодий фаоллигини тинмай ошириб бориш ва камол топтириш билан узвий боғлиқдир. Маънавиятни ривожлантириш соҳасидаги мустақиллик сиёсати маънавий ҳаёт, маданий тараққийетнинг умумий қонунларини илмий жиҳатдан янгилаб чиқишни, маънавий-маърифий омилнинг демократик, инсонпарварлик тамойиллари ва бозор иқтисодиёти асосида қурилаётган янги жамиятда тутадиган ўрнини белгилаб олишни кун тартибига қўяди.

Ёшларнинг, кишиларнинг маънавиятини шакллантириш, уларнинг маънавий-маърифий фаолиятларини юзага чиқариш омилларини илмий тадқиқ этиш, юксак эътиқод руҳида тарбиялаш масъулиятини юклайди.

Ҳар қандай шаклдаги тафаккур, билиш жараёни тасаввурлар, тушунчалар, категорияларнинг таркиб топишига олиб келади. Инсон тасаввур, тушунча, категориялар ёрдами билан фикр юритади деганда у ўз онги ёрдамида муайян ҳаётий жараён, ўзгаришларни акс эттиришда улардан фойдаланиши назарда тутилади. Демак, ҳар бир тасаввур ва тушунча айна вақтда воқелик ҳодисаларининг у ёки бу жиҳатларини акс эттиради, бинобарин, инсон улар орқали оламни билади, сўнгра уларни бошқа кишиларга етказмоқ учун тил шаклларига киритади.

Маънавият муаммоси жуда ҳам мураккаб ва серқиррали бўлганлиги сабабли унга берилган таърифлар ҳам ранг-барангдир. Бунда куйидагича манзарага дуч келамиз: маънавият деганда – шахсий онг; кишиларнинг руҳий фаолияти; ахлоқ, нафосат ва назарий қадриятлар йиғиндиси, ҳақиқат ва ҳиммат ҳамда гўзалликнинг қиёми; инсоннинг ҳис-туйғулари; инсонинг жамики ахлоқий қадриятлари йиғиндиси кабилар тушунилади. Келтирилган фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, маънавият бепаён, чексиз борлиқнинг инсон руҳида акс этишидир. Миллий тарбия бундай одамларни қанчалик кўп этиштириб чиқарса, олға боришимизга шунча имконият вужудга келади. Ҳаёт шуни кўрсатадики, инсон аввало, муайян мафкура, дунёқараш тизимига,

асрлар давомида шаклланган маънавий тажрибага таяниб яшайди. Одамни шаклланган дунёқарашдан ажратиб бўлмайди. Агар дунёқараш тўғри эзгулик асосида шаклланган бўлса, инсон шу йўлда ҳаракат қилаверади, илми, қобилятини ҳам шунга сарфлайди. Шу боис миллий ғоя ҳар бир фуқаронинг ва бутун халқимизнинг қалбидан жой олган бўлиши, уни руҳлантириши, чидамли ва шижоатли қилиб тарбиялашга хизмат қилиши керак. Миллий ғоя бизнинг тарихимиз, бугунимизни ва келажагимизнинг бирлаштиради.

XXI аср ҳар жиҳатдан муроса ва келишувлар асри бўлади. Нимаики инсон учун яроқли бўлса, у мақбул, нимаики инсонлар ҳаётига хавф солса, тараққиётга, ўзаро яқинлашишига ҳалақит берса, у номақбул ва зарарлидир. Инсоният тарихи шунга гувоҳки, дунё илм-маърифати жамланган, синтезлашган жойда юксак тараққиёт вужудга келади, инсон шахси камол топади.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Истиқлол ва маънавият»¹ номли тўпламида умумбашарий ғояларни миллий маънавиятнинг негизларидан бири деб кўрсатган эди. Чунки миллий маънавият қуруқ ерда пайдо бўлмайди, у халқ-нинг тарихан шаклланган урф-одатлари ва умуминсоний қадриятлар билан қўшилиб бойиб боради. Бошқача айтганда, умумжаҳонийлик, миллийлик руҳида онгига мазмун касб этади ва ривожлантирилади. Шу руҳда тарбияланган одам эса демократик тамойилларга мойил, озод руҳли киши бўлади.

Маънавий мезонлар даврлар ўтиши билан тўлдирилиши, такомиллашиши мумкин. Аммо умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамиша одамийлик шарафи бўлиб қолаверади. Чунки жуда ақлли бўлган одамларнинг ҳаммаси ҳам юксак маънавият эгаси эмас. Баъзан оддий боғбон, деҳқон ва хунар-манднинг ҳиммати ва саховати, ақли фаросати, тафаккури баъзан кишини лол қолдиради. Маҳалла аҳли одамларнинг юриш-туриши, маишати,

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 64-бет.

оила тутиши, хулқ-атвориға қараб баҳо беради. Яъни одамлар обрў-эътиборни, аввало, маҳаллада қозонадилар. Одамнинг камолоти, маънавий етуклиги ҳам шу маҳалласи, жамоасидаги мавқеи, обрўси билан ўлчанади. Мана шу обрў-эътибор кенгайиб, ривожланиб, бутун жамият, мамлакат миқёсига кўтарилиши мумкин.

Тарбия ҳамма вақт халқ, орасидаги ходиса, ижтимоий ҳаётнинг доимий категорияси ҳисобланган. Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ, йўсинда шакллантириш, унда фазилатларни таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия тарбияни амалга оширувчилар кутадиған натижа мавжудлигини талаб қилади. У икки турдаги фаолиятни, яъни шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятни тақрзо этади. Тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг икки томони – объект ва субъект жиҳатлари мавжудлигидир. Унинг шакллантирувчи фаолиятларини бажарувчилар ўзлари хоҳласа-хоҳламаса тарбиянинг объекти эканлигида кўринади.

Хулоса. Тарбиянинг мақсади – шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий, ахлоқий, эстетик қадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. Демак, миллий тарбия бутун маънавий бойликни, башарий ютуқларни қамраб олади, эркин шахсга қанот бағишлайди. Уни руҳлантиради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998, 64-бет.
2. Джалолова, М., Раҳманова, Э. Ю., & Косимова, Х. Н. (2021). ВОСПИТАНИЕ СЕНСОРНОГО ВОСПРИЯТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. *Scientific progress*, 1(6).
3. Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). THE IMPORTANCE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN ACHIEVING EDUCATIONAL EFFECTIVENESS. *Журнал естественных наук*, 1(1).
4. Abdurakhmonova, M. M., ugli Mirzayev, M. A., Karimov, U. U., & Karimova, G. Y. (2021). Information Culture And Ethical Education In The

Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.

5. Рафикова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).

6. Косимова, Х. Н. (2021). КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАСИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШДА ОИЛАГА ПЕДАГОГИК ТАВСИЯЛАР БЕРИШ ТИЗИМИ. *Scientific progress*, 1(6).

7. Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2021). АХБОРОТ ОҚИМИ ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Scientific progress*, 2(3), 743-750.

8. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.

9. Каримов, У., Хакимова, Д., & Тулкинов, З. (2018). ЗАДАЧИ ПОСТРОЕНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Теория и практика современной науки*, (10), 193-195.

10. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.

11. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(1), 88-93.

12. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.